

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 04/30.12.2019.Tib.64.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

АЗИЗОВА ФАРИДА ФАХРИТДИН КЗИ

**БЕМОРЛАРДА ОПЕРАЦИЯДАН КЕЙИНГИ ҚОРИН ИЧИ БОСИМИ
ОШИШИДА МАРКАЗИЙ ВА ЮРАК ИЧИ ҚОН АЙЛАНИШИ
БУЗИЛИШИНING ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Азизова Фарида Фахритдин кзи

Беморларда операциядан кейинги қорин ичи босими
ошишида марказий ва юрак ичи қон айланиши бузилишининг
ўзига хос хусусиятлари..... 3

Азизова Фарида Фахритдин кзи

Особенности нарушения центральной и внутрисердечной
гемодинамики у больных с интраабдоминальной
гипертензией после оперативных вмешательств..... 25

Azizova Farida Fachritdin kzi

Features of impaired central and intracardiac hemodynamics
in patients with intra-abdominal hypertension after surgery..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 04/30.12.2019.Tib.64.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

АЗИЗОВА ФАРИДА ФАХРИТДИН КЗИ

**БЕМОРЛАРДА ОПЕРАЦИЯДАН КЕЙИНГИ ҚОРИН ИЧИ БОСИМИ
ОШИШИДА МАРКАЗИЙ ВА ЮРАК ИЧИ ҚОН АЙЛАНИШИ
БУЗИЛИШИНING ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Tib199 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.cardiocenter.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сабиров Джурабай Марифбаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хамидуллаева Гулноз Абдусаттаровна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Арипова Назира Ўктамовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Андижон ДавлатТиббиёт Институти

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Осиё кўчаси 4-уй. Тел./Факс (99871) 237-31-57, e-mail: info@cardiocenter.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100052, Тошкент Мирзо Улуғбек тумани, Осиё кўчаси, 4-уй. Тел./Факс (99871) 237-31-57).

Диссертация автореферати 2022 йил «____» _____ кунни тарқатилди.

(2022 йил «____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Р.Д. Курбанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, академик

Г.У. Муллабаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.Б. Шек

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё статистик маълумотларига кўра, юрак ишемик касаллиги (ЮИК) ўлимнинг асосий сабаби бўлиб қолмоқда. ЮИК ҳар йили «1,8 миллион ўлимга сабаб бўлади ва мамлакатлар ўртасидаги сезиларли фарқларга қарамай, барча ўлимларнинг 20%ни ташкил қилади»¹. ЖССТнинг 2018 йилда берган маълумотида кўра, сўнгги «10 йил мобайнида 100 миллионга яқин инсон нокардиологик амалиёт ўтказган ва ҳар йили бундай беморлардан 500 - 900 минггача ҳолатда ўлим билан ниҳояланади»². Вафот этган беморлардан 2/3 қисмида ЮИК ташхиси қўйилган ва коронар стенози мавжудлиги исботланган, қолган 30% беморда коронар томир ичи тромби мавжудлиги аниқланган. Бинобарин қорин бўшлиғига хирургик аралашувлар ва қорин бўшлиғидаги шикастланишлар билан операциядан кейинги даврда қорин ичи босими (ҚИБ) ўткир кўпайиши кузатилиши мумкин ва бу ҳолат юрак-қон томир асоратларининг кўпайишига олиб келади. Шунингдек, юрак мушакларининг некрози гипоксемия, коронар спазм фониди ҳам ривожланиши мумкинлиги исботланган.

Жаҳонда юрак-қон томир тизимида касаллиги бўлган беморларда нокардиологик жарроҳлик аралашувлар пайтида келиб чиқадиган асоратларни эрта ташхислаш, уларни даволашда патогенетик ёндашувни ва жарроҳлик аралашувидан кейинги асоратларни прогнозлаш ва ўлим ҳолатларини камайтириш устида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шулар билан бир қаторда ушбу беморларда кечувчи клиник-функционал жараёнларини объектив баҳолаш усулларини такомиллаштириш ҳамда асоратлар ривожланишини башоратлаш услубларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда аҳолига шошилиш вазиятида юқори сифатли ихтисослаштирилган кардиологик ёрдам кўрсатиш бўйича фаол чоратадбирлар амалга оширилмоқда, юқори технологик усулларни амалиётга жорий этиш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, «соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга қаратилган бирламчи бўғини, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, аҳолининг соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш» каби вазифалар белгилаб берилган. Шу жиҳатдан юрак-қон томир касалликларида тиббий ёрдам кўрсатишни янги поғонага кўтариш масалалари, уларни даволашни ва ҳаёт сифатини яхшилашни оптималлаштириш бўйича тадқиқотлар олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон

¹ Ландесберг Г. Локальное повышение напряжения сдвига, приводящее к разрыву коронарной бляшки. // J Am Coll Cardiol. 2008. 51: 645-650.

² Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти. жаҳон соғлиқни статистикаси – 2019 .

«Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини кўллаб қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллик даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 январдаги ПҚ-103сон «Юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тиббиётида ҚИБ муаммоси бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилди. Сўнгги йилларда қорин бўшлиғи гипертензия (ҚБГ)-нинг барча аъзолар ва тизимларга салбий таъсирини ўрганишга қизиқиш сезиларли даражада ошди, шунингдек, кўкрак қафаси синдромининг пайдо бўлиши ва ўткир коронар қон айланишининг бузилиши бўйича илмий тадқиқотлар кўпайди [Добрушина О.Р. ва бошқ., 2012]. Перитонит, ичак тутилиши, панкреатонекроз, лапароскопик операциялар пайтида қорин бўшлиғига газнинг кириб бориши, қорин чурраларини йўқ қилиш ҚИБнинг кўпайишига бевосита сабаб бўлиши аниқланган. Оғир беморларнинг тахминан 40-47 фоизда ҚИБ кўтарилганлиги ҳақида далиллар мавжуд [Мхоян Г.Г. ва бошқ., 2013й.] ва тананинг барча аъзолари ҳамда тизимларининг ишига салбий таъсир қилади ва ва ўлим ҳолатларини кўпайишига олиб келади [Рошчин Г.Г. ва бошқалар, 2012 й.]. Қорин бўшлиғининг сиғими ва унинг таркиби ўртасидаги номувофиқлик натижасида пайдо бўлган ИАГ турли хил жарроҳлик касалликларининг ўзига хос бўлмаган кўринишидир. Шу билан бирга, юқори ҚИБ мустақил аҳамиятга эга; диафрагмани юқорига суриш юрак ва қон томирларига узатиладиган ўртача интраторасик босимни оширади. Ва бу, ўз навбатида, миокарддаги босим градиентининг пасайишига олиб келади ҳамда қоринча диастолик тўлдиришни чеклайди [Tanaya Wilcox ва бошқалар, 2021].

Мамлакатимиз олимлари томонидан 2006 йиллардан ҳозирги кунгача ҚБГ муаммоси фаол ўрганилмоқда [Собиров Д.М. ва бошқ., 2010 й., Саидов А.С., 2015]. Илмий манбаларда келтирган маълумотларга кўра, нокардиал жарроҳлик фонида юрак-қон томир патологияси бўлган беморларда ўткир коронар қон айланиши бузилишининг пайдо бўлишини башорат қилиш учун ҚИБ кўрсаткичларидан фойдаланиш имкониятини кўрсатадиган маълумотлар мавжуд эмас. Мавзунинг долзарблиги кўшимча даволанишни ўз вақтида белгилаш ва ўлимни камайтириш учун периперацион даврда юрак-

қон томир касалликларининг ўткир ўсиши билан боғлиқ юрак-қон томир асоратлари эҳтимолини олдиндан аниқлашдан иборат.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган илмий муассаса илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Марказий илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот режасига мувофиқ бажарилган (Давлат рўйхат рақами: 010900112), (2008-2014 й.).

Тадқиқот мақсади экстракардиал (абдоминал) жарроҳлик аралашуви бўлган беморларда қорин бўшлиғи босимининг кескин ошиши эҳтимоли ва унинг юрак-қон томир тизимининг касаллиги бор беморларга таъсирини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қорин бўшлиғи босимининг ўткир ўсиши бўлган беморларда клиник, гемодинамик, лаборатор – инструментал текшируви натижаларини баҳолаш;

қорин бўшлиғи гипертензия даражасига боғлиқ бўлган юрак-қон томир хасталиклари мавжуд бўлган беморларда юрак систолик ва диастолик дисфункцияларини ривожланишининг ўзига хослигини аниқлаш;

қорин бўшлиғи гипертензияси бўлган беморларда юрак ўнг қоринча, ўнг бўлмача ва ўпка артериядаги қон оқимини ва пульмонал гипертензия ривожланиш даражасини баҳолаш;

қорин бўшлиғи гипертензияси билан асоратланган қорин жарроҳлик амалиётини ўтказётган юрак-қон томир касалликлари билан оғриган беморларда периператив миокард инфаркти ва ўткир юрак етишмовчилигининг ривожланиш хавфини баҳолаш усулини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти Ўзбекистон Республикаси РШТЎИМ клиникаси хирургия реанимация бўлимида 2006-2015 йилларда даволанишда бўлган 170 нафар ҚБГ билан асоратланган ўткир хирургик ташхиси бўлган ва ёндош юрак қон-томир касалликлари мавжуд беморлар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморларнинг қон лаборатор ва махсус инструментал текширувлар олинди :биокимёвий текширишлар учун веноз қон , Фолей катетери воситасида везикуляр усулида қорин ичи босими ўлчови , 12-тармоқли ва мониторинг усули ЭКГ текшируви ,ЭхоКГ теширувларининг 2D ,доплер режимларидан қўлланилган.

Тадқиқотнинг услублари сифатида қон лаборатор (миокарднинг ўткир некроз маркерлари, коагулограмма ва холестерин кўрсаткичлари) ва махсус инструментал текширувлар (интравизикуляр усулида қорин бўшлиғи босимининг ўлчови, ЭхоКГ, ЭКГ мониторинг) ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйдагилардан иборат:

қорин бўшлиғи гипертензияси билан оғриган беморларда юрак ичи гемодинамика параметрларини, юракнинг диастолик ва систолик функцияларини, асосий ва периферик томирлардаги қон оқимининг ўзига ҳос ўзгаришлари аниқланган ;

ҚБГ билан оғриган беморларда ушбу халокатли асоратнинг дастлабки босқичларида юрак ўнг ва чап камераларидаги янада аниқ ўзгаришлар мавжудлиги аниқланган ва юракнинг қайта қурилиши (ремоделлашиш) белгилари аниқланган ;

ҚБГга боғлиқ ремоделлашиш ва коронар қон айланиши етишмовчилиги натижасида юрак камералари миокардининг контрактилиги бузилиш белгилари ва ўтқир миокард инфаркти ривожланиши билан бир вақтда юрак фаолиятининг маҳсулдорлиги параметрларини комплекс баҳолаш мезонлари аниқланган;

илк бор юрак ичи гемодинамикаси кўрсаткичларининг нормаллашиши ҚИБ параметрларининг ўз вақтида қўлланилган жарроҳлик ва терапевтик даволаш усуллари сабабли асил ҳолатига қайтиши билан боғликлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

ўтқир коронар ҳодисалар хавфи бўлган тақдирда ўз вақтида кўшимча тиббий ёрдам кўрсатиш учун ҚИБнинг ортиши билан марказий ва интракардиял гемодинамик бузилишларнинг прогнозларини эрта аниқлаш мезонларини исботланган;

интракардиал гемодинамикада аниқланган ўзгаришлар, ҚБГ билан оғриган беморларда юракнинг ўнг ва чап қоринчаларининг систолик ва диастолик функцияларидаги бузилишлар ,юрак етишмовчилигининг оғирлиг даражаси ва дастлабки белгиларини баҳолаш имкони исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиғи, етарли даражада материал танланганлиги, беморлар сонининг етарлиги, қўлланилган усулларининг замонавийлиги, уларга зарурий клиник, лаборатор, махсус инструментал ҳамда статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, қорин бўшлиғи гипертензиясининг марказий ва юрак ичи гемодинамикасига салбий таъсирини таҳлил қилиш, касалликни ташхислаш ва даволашни муқобиллаштиришга қаратилган тадбирлари изоҳлашда хорижий ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларни ваколатли тузилмалар томонида тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ҚИБ гипертензияси таъсирида беморларда интракардиал гемодинамик бузилишлар механизмлари ва коронар қон томирларининг шикастланиш симиотикаси боғликлиги ҳақидаги тушунчани кенгайтириш мумкинлиги ва нонинвазив усуллар билан ўтқир коронар асоратларини башоратлашга замин яратилгани билан изоҳланади. .

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, қорин бўшлиғи босимининг кўтарилиш даражасига боғлиқ салбий асоратлар , маҳсус биокимёвий (миокард некрозининг маркерлари, коагулограмма) ,инструментал текшириш усуллари (ЭКГ-мониторинг, ЭхоКГ текшируви) натижаларига асосланган юрак-қон томир касалликлари бор беморларда халокатлик ностабиллигини ривожланиш хавфини ҳисоблаш имконини берувчи прогностик харита ишлаб чиқилгани ва бу харитага киритилган прогностик индекслар асосида беморлар ҳолатига оид превентив баҳо бериш имкони билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Юрак-қон томир касалликлари мавжуд беморларда операциядан кейинги қорин ичи босими ошишида марказий ва юрак ичи қон айланиши бузилишининг ўзига хос хусусиятларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

интракардиал гемодинамик бузилишларни даволаш ва башорат қилишни яхшилаш учун олинган илмий натижаларга асосланиб ишлаб чиқилган “Қорин ичи босими даражасининг ўзгариши билан гемодинамик ўзгаришларнинг ўзаро боғлиқлиги” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 28 мартдаги 8н-д/ 118-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ҚБГ ривожланишига олиб келадиган асосий омилларни аниқлаш ва касалликни эрта аниқлаш имконини берган.

Экстракардиал жарроҳлик аралашуви бўлган беморларда қорин бўшлиғи босимининг кескин ошиши эҳтимоли ва унинг юрак-қон томир тизимида касаллиги бор беморларда таъсирини баҳолаш бўйича олинган натижалар Соғлиқни сақлаш амалиётига , жумладан Самарқанд вилоят клиник касалхонаси ва Тошкент шаҳар №7-сонли клиник касалхона амалиётига тадбиқ этилди .(Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 7 апрелдаги 08-09191сон маълумотномаси). Олинган натижалар юрак-қон томир касалликлари билан оғриган беморларда нокардиологик жарроҳлик ўтказган ҳолатларда ва қўшимча ҚБГ асорати ривожланган коморбид статусида ҳаёт учун хавфли асоратларни ривожланишининг олдини олишга ва ўз вақтида кардиология ўналишига оид қўшимча даволаш стандартларини қўллашга имкон беради

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 8 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби, кириш, 4 та бобдан, хулосадан, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги, мақсади ва вазифалари асосланган, шунингдек, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён етилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, илмий тадқиқот натижаларининг амалий соғлиқни сақлаш соҳасида жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг I бобида **«Жарроҳлик аралашувлардан кейин интраабдоминал гипертензия билан оғриган беморларда марказий ва интракардиал гемодинамика бузилишлари масалаларининг замонавий жиҳатлари»** ўрганилган тадқиқотлар назарий жиҳатдан таҳлил қилинди ва юрак-қон томир патологияси бўлган беморларда жарроҳлик аралашувидан кейин ҚБГнинг марказий ва интракардиал гемодинамикага таъсирини ўрганишга бағишланган ишлар тизимлаштирилди, шунингдек, ушбу муаммонинг ҳал қилинмаган ёки тушунтиришни талаб қиладиган жиҳатлари аниқланди. Экстракардиал хирургик аралашувлардан сўнг беморларда периператив миокард инфаркти юзага келиши ҳақида жаҳон маълумотларига эга адабиётлар таҳлил қилинди.

Диссертациянинг **«Клиник материал ва тадқиқот усулларининг умумий хусусиятлари»** дея номланган II бобида клиник материал ва тадқиқот усуллари баён етилган. 2006 йилдан 2015 йилгача Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг РШТЁИМ клиникаси базасида клиник-лаборатория тадқиқотлари ўтказилди.

Тадқиқотда асосий тадқиқот гуруҳи ($n=170$), қорин бўшлиғи босими ошган беморлар гуруҳи ($n=109$), ва бир хил ёндош патология билан операция вақтида ва ундан кейин ҚИБи ошмаган ($N=61$) беморлар ташкил этган.

Беморларнинг ёш таркибини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, текширилган ҳар иккала гуруҳнинг ўртача ёши $57,94 \pm 2,1$ ни ташкил этган. Асосий гуруҳда субъектларнинг ўртача ёши $59,98 \pm 1,7$ га, таққослаш гуруҳида ўртача $55,9 \pm 1,3$ ёшга тенг.

Таққослаш гуруҳида аёллар сони эркаклар сонидан $5,5\%$ га кўп бўлган, асосий гуруҳда эркаклар сони $7,9\%$ га аёллар сонидан кўп бўлган.

Иккала гуруҳ орасида юрак-қон томир патологияси таҳлили қуйидагича бўлди: $n=93$ ($54,7\%$) миқдорида юрак ишемик касаллиги, $n=77$ ($45,3\%$) миқдорида артериал гипертензия учраган.

Текширилган беморларнинг асосий гуруҳида ёндош ЮИК билан оғриган беморлар сони $n=58$ ($62,35\%$), АГ беморлар сони $n=51$ ($66,23\%$)ни ташкил этди. Ёндош юрак-қон томир патологияси билан оғриган беморларни таққослаш гуруҳида қуйидагича тақсимланди: ЮИК $n=35$ ($37,63\%$), АГ $n=26$ ($33,76\%$). Юрак ишемик касаллиги ташхиси Канада кардиологлар жамияти тавсияларига

мувофиқ қилинган. Артериал гипертензия даражасига кўра, ташхис ЖССТ/МОАГ таснифига (2010/1999) мувофиқ қилинган.

Барча беморларни клиник текшириш операциядан аввалги ва кейинги ЭКГ мониторинги жарроҳликдан олдинги даврида, ЭхоКГ дастлаб ва операциядан кейин амалга оширилди. ҚБГ кун давомида кузатув билан Фолей катетери ёрдамида сийдик пуфаги орқали аниқланди. Лаборатория синовлари гемостаз кўрсаткичларини аниқлаш, кардиоспесифик қон ферментлари даражасини аниқлаш билан беморни қабул қилишда тест материалларидан намуна олинган пайтдан бошлаб дарҳол амалга оширилди, агар ўткир коронар қон айланишининг бузилиши гумон қилинган бўлса, ҳар бир 3 соатда бир марталик ЭКГ мониторинги, ЭхоКГ текшируви аниқланди. Қабул қилишда ва ҳар 12 соатда гемостаз кўрсаткичларининг динамик ўзгаришини ўрганиш ўтказилди: протромбин индексининг улуши, қон плазмасидаги фибриноген миқдори, тромбоцитлар сони 10^9 /л, қоннинг ивиш вақти ўлчанди.

Кун давомида ЭКГ мониторинги 12 умумий қабул қилинган тармоқлар орқали динамик ўзгаришларни талқин қилиш ва қайд этиш билан олиб борилди.

Чап қоринча функцияси текширилганда унинг ишлаши аниқланди, систолик индекс (СИ) ва отиш фракцияси (ОФ) кўрсаткичларида аниқланди. Диастолик бузилишнинг турини аниқлаш учун чап қоринчанинг диастолик функцияси: пик Е ва пик А ҳамда ушбу параметрларнинг нисбати Е/А ўлчов билан текширилди. Чап қоринчанинг локал контрактилиги сегментал ўрганилди. Қоринчалар ЕТ/АТ диастолик функцияси фазаси компонентларининг вақт кўрсаткичлари ўлчанди. ДТ ўлчанди - эрта ЧҚ (чап қоринча) тўлишининг секинлашиш вақти, ЧҚТБ (чап қоринча тўлиш босими) - диастоланинг кечки фазасида ўрганилди.

Юракнинг ўнг қоринчасини ўрганиш ҚИБ ортиши билан remodelling даражасини ўрганиш учун унинг кўндаланг ўлчамларини уч даражада ва бўйлама ўлчамда ўлчаш орқали амалга оширилди. Ўнг юракнинг кириш ва чиқиш бўлимларини ҳам ўрганиб чиқдик. ҚИБ градиентлари ва юрак камераларининг таъминот ва чиқиш бўлимлари ўртасидаги боғлиқлик ўлчанди.

$\dot{V}_{АСБ} = УТК \text{ систолик } Гд + \text{ўнг бўлмача босими.}$

Гемодинамика параметрларини аниқлаш учун АПКО-8-РИТС курилмасида (оссиллометрик қон айланиш анализатори) амалга оширилган аппарат, ҳажмий сиқилиш оссиллометрияси усулидан фойдаланилди. Қуйидаги қон айланиш кўрсаткичлари баҳоланди: қон босими кўрсаткичлари (диастолик, ўртача, систолик, зарба, пулс), юрак фаолиятини тавсифловчи кўрсаткичлар (юрак чиқиш, юрак индекси, зарба индекси, юрак тезлиги), қон томир кўрсаткичлари (умумий периферик қон томир қаршилиқ, ўзига хос периферик қон томир қаршилиқ).

Тадқиқот давомида олинган маълумотларга Microsoft Office Excel-2012 дастурий пакети ёрдамида Pentium-IV шахсий компютерида статистик ишлов бериш, жумладан, ўрнатилган статистик ишлов бериш функцияларидан фойдаланиш жорий этилди. Вариацион параметрик ва нопараметрик статистика усуллари ўрганилаётган индикаторнинг арифметик ўртача қийматини (М), ўртача квадратик оғиш (σ), ўртача стандарт хато (m), нисбий қийматлар

(частота, %), ўртача қийматларни таққослашда олинган ўлчовларнинг статистик аҳамияти Стъюдент мезони (t) томонидан тақсимотнинг нормаллигини (куртоз мезони билан) ва умумий фарқлар тенглигини (F - Фишер мезони) ҳисоблашда аниқланди. $P < 0,05$ ишонч даражаси статистик жиҳатдан муҳим ўзгаришлар сифатида қабул қилинди. Сифатли миқдорлар учун статистик аҳамият χ^2 мезони (Хи-квадрат) ва Гланц формуласига мувофиқ z-мезон ёрдамида ҳисоблаб чиқилган.

Диссертациянинг III боби «**Олинган натижаларни таҳлил қилиш**», «**Қорин бўшлиғи босимининг ўзгаришига гемодинамик реакцияларнинг умумий жавоби**» юрак-қон томир патологияси бўлган беморларда гемодинамик реакцияларнинг умумий жавобларини ўрганишга бағишланган.

Одатда, гемодинамик реакцияларининг белгилари ва синдромларнинг ривожланиши учун умумий механизми бор деган хулосага олиб келади. ҚИБ ортиб борганда жарроҳлик ташхис турига қарамай, улар юрак-қон томир беморлар учун бир умумий қўшимча хавф омили бўлиб қолади. Ўрганилган беморлар қорин бўшлиғи босимининг ошиши ёки йўқлиги, патогенезнинг асосий омилларидан бири сифатида ҚИБ ошиши ва турли хил ташхис қўйилган беморларда юрак-қон томир тизимига таъсирининг мунтазамлигини исботловчи икки асосий гуруҳга бўлинган.


Умумий текширилган беморлар сони $n=170$ бўлган ва уларнинг барчасида ёндош юрак-қон томир патологияси кузатилган. Буларнинг 64% ($n=109$) ҚИБ ошган беморлар асосий гуруҳда кузатилди, 62.35% ($n=58$) ҳолларда ЮИК аниқланди. Таққослаш гуруҳида жами 36% ($n=61$), шулардан 37,63% ($n=35$) ҳолда ЮИК кузатилган.

ЭКГ мониторингида қуйидагилар аниқланган: беморларнинг асосий гуруҳида 79% ҳолларда ($n=46$) кўкрак сиқувчи оғриқ, 21% ҳолларда ($n=12$) босувчи оғриқ юзага келган. Таққослаш гуруҳида ЮИК билан оғриган беморларнинг 37.63% ($n=35$) ҳолда оғриқлар кузатилган ва бу гуруҳда сиқувчи оғриқ хуружлари 40% ҳолларда ($n=14$), босувчи оғриқ 60% ($n=21$) ҳолда кузатилган. Юрак ишемик касаллиги бор беморларнинг клиник манзараси таҳлил қилганда аниқланган юрак соҳасидаги оғриқлар хуружи сони қуйидагича бўлган: кун давомида кўкрак орти оғриқлари хуружлари сони ўртача $4.1 \pm 1,10$ ҳолатда кузатилган. Таққослаш гуруҳида 2.2 ± 1.30 га тенг. Асосий гуруҳда сарфланаган нитроглицерин миқдори 4.0 ± 1.01 га тўғри келган, таққослаш гуруҳида нитроглицерин қабул қилиш миқдори 2.0 ± 0.90 миқдорда бўлган. Гемодинамик параметрларни ўрганиш натижасида асосий гуруҳдаги беморларда систолик артериал босим (САБ) ўртача қиймати $139,1 \pm 4,2$ мм.с.у. аниқланган, таққослаш гуруҳидаги беморларда эса $135,0 \pm 8,0$ мм.с.у.ни ташкил этган. Диастолик қон босими (ДҚБ) асосий гуруҳдаги беморларда $85,7 \pm 2,7$ мм.с.у.га тенг бўлган. Таққослаш гуруҳида ДҚБ $82,5 \pm 3,7$ мм.с.у.ни ташкил қилган. Юрак уриш сони асосий гуруҳда ўрталама дақиқада $96,0 \pm 4,0$ ўрнатилган, таққослама гуруҳда $82,0 \pm 3,0$ ўрнатилган.

Гуруҳлар ўртасидаги қиёсий тадқиқотлар қуйидаги натижаларни аниқлади: САБ асосий гуруҳдаги беморларда таққослаш гуруҳига қараганда 10.3% юқори

($P < 0.05$) эди. ДҚБ таққослаш гуруҳига қараганда асосий гуруҳдаги беморларда 10.4% юқори ($P < 0,05$) кузатилган.


Юрак фаолиятидаги турли бузилишлар электрокардиографик усули воситаси орқали текширилган. Хирургик беморларда кунлик кузатиш давомида юрак-қон томир патологияси бор беморларда қуйидаги патологик ўзгаришлар аниқланди:



1-расм. Текширилган шахсларда юрак аритмиялари юзага келиш частотаси

Текширилган беморларнинг асосий гуруҳида ($n=109$) аниқланган аритмиялар умумий сонининг (УА) юзага келиши 44,3% ҳолларда ($n=75$) кузатилди. Улар орасида 14,3% ҳолларда ($n=24$) кучли синусли тахикардия, 9,45% ҳолда ($n=16$) суправентрикуляр тахикардия пароксизми (СВТП), 7% ($n=12$) ҳолда, атриал фибрилляция пароксизмаси (АФП) аниқланди, 7,6% ($n=13$) ҳолларда суправентрикуляр экстрасистолия (СВЭКС) ва 5,9% ҳолларда ($n=10$) қоринча экстрасистолияси (ҚЭКС) кузатилди.

Текширилган 61 беморнинг таққослаш гуруҳида аниқланган аритмияларнинг умумий сони (УА) 33,7% ($n=57$) ҳолатни ташкил этди. Ушбу беморлар сонидан 11,8% ($n=20$) кучли синусли тахикардия, суправентрикуляр тахикардия пароксизми (СВТП) 8,86% ($n=15$) ҳолда кузатилган, 6,5% ($n=11$) ҳолларда атриал фибрилляция пароксизмаси (АФП) кузатилди. Суправентрикуляр экстрасистолиянинг пайдо бўлиши (СВЭКС) барча аритмиялар ($n=8$) ҳолатларининг 4.73%ини, қоринча экстрасистолиялари (ҚЭКС) намоён бўлиши эса 1.77% ($n=3$) ҳолатда (Lown бўйича II-III синф) кузатилган.



2-расм. Иккала гуруҳда ЭКГ мониторинги натижалари.

ЮИК билан оғриган беморлар гуруҳидаги барча текширилган беморлар орасида (жами $n = 93$, асосий гуруҳ $n = 58$, таққослаш гуруҳида $n = 35$) ЭКГ ўзгаришлари куйидагича эди: асосий гуруҳда, ЭКГнинг кунлик мониторинги билан 24,1% ($n = 14$) ST сегменти кўтарилиши билан таққослаш гуруҳида ST сегментининг кўтарилиши 28,6% ($n = 10$) ҳолларда кузатилган.


Асосий гуруҳда ST сегменти депрессияси 53,5% ($n = 31$) ҳолларда, таққослаш гуруҳида 54,3% ($n = 19$) ҳолларда кузатилди. ЭКГда ST сегментида ўзгаришсиз 4 ёки ундан ортиқ ЭКГ тармоқларида манфий T тўлқини кўринишидаги ўзгаришлар аниқланди (ST ўзгаришсиз). Ушбу хусусиятнинг аниқланиши асосий гуруҳда ($n = 9$) 15,5% ни, таққослаш гуруҳида мос равишда 8,6% ($n = 3$)ни ташкил этди.

ЭКГ мониторингини ўрганиш иккала гуруҳдаги айрим беморларда ЭКГда сезиларли ўзгаришлар йуқлиги ҳолатларини аниқлади.

Асосий гуруҳда ўзгаришсиз ЭКГ 6,9% ($n = 4$) ҳолатда, таққослаш гуруҳида 8,6% ($n = 3$) ҳолатда ўзгаришсиз ЭКГ кузатилди.

Беморларга операциядан олдинги ва кейинги даврда динамикада эокардиёграфия ўтказилди.

Операциядан олдинги даврда текширилган беморларда аниқланган ЭхоКГ параметрларининг натижалари



3-расм. Операциядан олдин чап қоринча систолик функциясининг ЭхоКГ кўрсаткичлари (M±m)

Изоҳ: * p<0.05, ** p<0.02 гуруҳлараро кўрсаткичларга нисбатан



4-расм. Операциядан олдин чап қоринча систолик функциясининг ЭхоКГ кўрсаткичлари (M±m)

Изоҳ: ** p<0.02, *** p<0.0001 гуруҳлараро кўрсаткичларга нисбатан

Бир дақиқадаги қон отиш ҳажми (ДҚОХ-МОК) таққослаш гуруҳида 52.1% (p<0,0001) асосий гуруҳга қараганда анча юқори эди. Асосий гуруҳдаги юрак индекси (ЮИ, СИ) таққослаш гуруҳига (p<0,02) нисбатан 29,8% паст эди. 20,96% (p<0,02) таққослаш гуруҳига нисбатан бу кўрсаткичдан асосий гуруҳда қон-томир тизими қарши кучи (ҚТТҚК-ОПСС) даражаси сезиларли даражада юқори бўлди.

1-жадвал

Беморлардаги ЧҚ диастолик функцияси кўрсаткичлари (жаррохликдан олдин)

| № | Кўрсаткичлар | Асосий гуруҳ | Таққослаш гуруҳи |
|----|--------------|----------------|------------------|
| 1. | Емк, см/с | 28,5±1,38* | 35,3±1,70 |
| 2. | Амк, см/с | 33,09 ±1,83 | 33,6±1,61 |
| 3. | Е/Амк | 0,87± 0,31 | 0,96±0,50 |
| 4. | DT, мс | 162,9 ±7,73*** | 211,7±4,10 |

Изоҳ: * p<0,05, *** p<0,0001 гуруҳлараро кўрсаткичларга нисбатан

Юрак чап қоринчаси диастолик функциясининг ўзгариши иккала гуруҳ беморларида ҳам содир бўлган, буларда 1-турдаги диастолик функциянинг бузилиши аниқланди. Асосий гуруҳ беморларида ЧҚ диастолик тўлишининг митрал клапандаги Е-пик (Е-чўққиси) тезлигини 28,5±1,38 см/с гача пасайиши аниқланган. Таққослаш гуруҳида Е-пик (Е-чўққиси) 35,3±1,70 см/с га яқин бўлган. Асосий гуруҳда эса кеч ЧҚ-ни тўлдириш тезлиги (А-МК) 33,09±1,83 см/с га яқин тезликни ташкил этган, солиштирма гуруҳда бу кўрсаткич 33,61±1,61 см/с га яқин бўлган. Бош гуруҳда эрта ва кеч ЧҚ тўлдириш тезликлари (Е/Амк) нисбати 0,87±0,31, таққослаш гуруҳида бу кўрсаткич 0,96±0,50 даражасида аниқланди. Юрак чап қоринчасининг барвақт тўлишини секинлашиш вақти (ВЗРН-DT) ўрганилганда, гуруҳлар ўртасидаги сезиларли фарқ аниқланди. Асосий гуруҳда DT-162,90±7,73 мс- га тенг бўлган, таққослаш гуруҳида эса бу кўрсаткич 211,7±4,10 мс- ни ташкил қилди.

2-жадвал


Қорин бўшлиғи гипертензия кўрсаткичлари (ҚБГ) ва чап қоринча ЭхоКГ параметрлари ўртасидаги корреляция даражаси

| № | Ўрганилган кўрсаткичлар | R | P |
|-----|-------------------------|-------|---------|
| 1. | ҚБГ-ЧҚСНЎ | 0,32 | p<0,001 |
| 2. | ҚБГ-ЧҚНДХ | 0,24 | p<0,05 |
| 3. | ҚБГ-ЧҚНСХ | 0,35 | p<0,001 |
| 4. | ҚБГ-ЧҚОФ | -0,32 | p<0,001 |
| 5. | ҚБГ-ЧБ | 0,25 | p<0,01 |
| 6. | ҚБГ-ЎБ | 0,28 | p<0,01 |
| 7. | ҚБГ-ҚТД | 0,30 | p<0,01 |
| 8. | ҚБГ-ЧҚОД | 0,30 | p<0,01 |
| 9. | ҚБГ-ЧҚМ | 0,46 | p<0,001 |
| 10. | ҚБГ- ЧҚМИ | 0,48 | p<0,001 |


Изоҳ: *p<0,05, **p<0,01, ***p<0,0001

Олинган натижалар ҚБГ-ЧҚСНЎ (r=0.32; p<0.001), ҚБГ-ЧҚНСХ (r=0.35; p<0.001), ҚБГ-ЧҚМ (r=0.46; p<0.001), ҚБГ- ЧҚМИ (r=0.48; p<0.001), ИАГ-ҚБГ-ЧҚОФ (r=-0.32; p<0.001) ҳам корреляцион анализ қилинди.

Беморларнинг ҳар икки гуруҳида ҳам юрак ўнг қисмлари фаолияти ҳам ўрганиб чиқилди, ҳар икки гуруҳда ҳам ўзгаришлар қуйидаги параметрларини ташкил қилди:



5-расм. Жарроҳликдан олдин юрак ўнг қисмлари ЭхоКГ параметрлари
 Изоҳ: * $p < 0,05$, ** $p < 0,02$ гуруҳлараро кўрсаткичларга нисбатан



6-расм. Ўнг қоринча ва жарроҳликдан олдинги таъминот ва чиқиш бўлимларининг ЭхоКГ параметрлари

Изоҳ: * $p < 0,05$, ** $p < 0,02$, *** $p < 0,0001$ гуруҳлараро кўрсаткичларга нисбатан

Асосий гуруҳда ўнг қоринча юқори учдан бир қисми (RV Б / 3) антеропостериор ўлчами таққослаш гуруҳидаги бу ўлчамда 10% га сезиларли даражада ошиб кетди ($p < 0,05$). Асосий гуруҳдаги ўнг қоринча эркин деворининг қалинлиги (RV СТ) таққослаш гуруҳида бу ўлчамдан 23% га ошиб кетди ($p < 0,02$). Албатта, асосий гуруҳдаги ўнг қоринчанинг систолик ўлчами базал учинчи (RV ССР Б / 3) таққослаш гуруҳидаги бу ҳажмдан 27,9% га

($p < 0,02$) сезиларли даражада ошди. Албатта, асосий гуруҳдаги ўнг қоринчанинг ўрта учдан бир қисмидаги систолик ўлчами (RV C / 3) таққослаш гуруҳидаги ушбу ўлчамдан сезиларли даражада 29,7% га юқори ($p < 0,02$). Юқори учдан бир қисмидаги ўнг қоринчанинг систолик катталиги (RV CCP Б / 3) асосий гуруҳда таққослаш гуруҳига қараганда 43,8% га сезиларли даражада юқори эди ($p < 0,0001$). Асосий гуруҳда базал учдан бир қисмининг ўнг қоринча энд-диастолик ўлчамининг нисбати коэффиценти (RV PB Б / 3 / Л) таққослаш гуруҳида бу кўрсаткичдан 24,1% га ($p < 0,02$) сезиларли даражада ошди. Асосий гуруҳда ўнг қоринча диастолик сўнгги ҳажмининг ўрта қисми нисбати (RV ЭД C / 3 /) таққослаш гуруҳидан 14,0% га ошди, бу сезиларли ($p < 0,05$) даражада бўлган. Албатта, ўнг қоринча диастолик ўлчами юқори учдан RV- узунлигиг ўлчамига нисбатанлиги (RV ЭДБ / 3 / L) асосий гуруҳда таққослаш гуруҳидан 17,9% га ошди, бу ҳам сезиларли ($p < 0,05$) даражада ҳисобланади. Тадқиқот гуруҳидаги пулмонал артерия магистралининг (РА) диаметри таққослаш гуруҳидаги бу кўрсаткичдан 8,0% дан ошди. Шунингдек, биз пастки ковак вена (IVC)нинг морфометрик ҳолатини текширдик. ҚБГ 13,2% га кўтарилганда, асосий гуруҳдаги бу кўрсаткич ($p < 0,05$) таққослаш гуруҳидаги ушбу кўрсаткичдан ошиб кетди. Тадқиқот давомида биз жигар венасининг (VP) диаметридаги ўзгаришларни кузатдик ва фарқнинг гуруҳлар орасидаги фоиз нисбатини 4,5% лигини топдик, бу аҳамиятсиз бўлиб чиқди.

3-жадвал

Текширилаётган беморларда РВ диастолик функциясининг кўрсаткичлари

| № | Кўрсаткичлар | Асосий гуруҳ | Таққослаш гуруҳи |
|----|--------------|---------------|------------------|
| 1. | Етк, см/с | 25,5±1,38** | 32,3±1,70 |
| 2. | Атк, см/с | 30,09±1,83* | 35,6±1,61 |
| 3. | Е/Атк | 0,86±0,31 | 0,89±0,50 |
| 4. | DT, мс | 122,9±7,73*** | 211,7±4,10 |

Изох: * $p < 0,05$, ** $p < 0,02$, *** $p < 0,0001$ гуруҳлараро кўрсаткичларга нисбатан

Ўнг қоринча (RV) диастолик функцияси кўрсаткичлари нисбатларини таҳлил қилганда, асосий гуруҳда эрта диастолик тўлдириш тезлигининг пасайиши ва бошқа таққослаш гуруҳига нисбатан ўртача 26,7% га ($p < 0,02$) аниқланди. Асосий гуруҳда кеч диастолик тўлдириш тезлигини солиштириш сезиларли фарқни аниқлади ва таққослаш гуруҳидан 18,3% га пастроқ ($p < 0,02$). Етк / Атк диастолик тўлдириш тезлиги коэффиценти нисбатини таққослаш, асосий гуруҳда таққослаш гуруҳига нисбатан 9,6% га сезиларли даражада камайганлигини аниқлади. Таққослаш гуруҳига нисбатан асосий гуруҳда ДТда 72,25% га пасайиш кузатилди, бу жуда муҳим фарқ ($p < 0,0001$).

4-жадвал

**Қорин бўшлиғи гипертензияси ва ўнг қоринча ЭхоКГ
параметрлари ўртасидаги боғлиқлик**

| № | Кўрсаткичлар | R | P |
|-----|--------------------|------|---------|
| 1. | ҚБГ-ЎҚ | 0,33 | p<0,001 |
| 2. | ҚБГ -ЎҚ Б/3 | 0,34 | p<0,001 |
| 3. | ҚБГ - ЎҚ Ў/3 | 0,29 | p<0,01 |
| 4. | ҚБГ –НСЎ ЎҚ Б/3 | 0,48 | p<0,001 |
| 5. | ҚБГ -ЎҚ Ў/3 | 0,29 | p<0,01 |
| 6. | ҚБГ -НСЎ ЎҚ Ю/3 | 0,19 | p<0,05 |
| 7. | ҚБГ -НДЎ ЎҚ Б/3/L | 0,30 | p<0,01 |
| 8. | ҚБГ - НДЎ ЎҚ Ў/3/L | 0,27 | p<0,01 |
| 9. | ҚБГ - НДЎ ЎҚ Ю/3/L | 0,25 | p<0,01 |
| 10. | ҚБГ -ЎАБ | 0,64 | p<0,001 |
| 11. | ҚБГ –ЎА | 0,36 | p<0,001 |
| 12. | ҚБГ -IVC | 0,61 | p<0,001 |
| 13. | ҚБГ -VP | 0,51 | p<0,001 |

Олинган натижалар ҚБГ-ЎҚ ($r = 0,33$; $p < 0,001$), ҚБГ-ЎҚ Б / 3 ($r = 0,34$; $p < 0,001$), ҚБГ-ЎАБ ўртасида тўғридан-тўғри жуда муҳим корреляция мавжудлигини кўрсатди. ($r = 0,64$; $p < 0,001$), ҚБГ-ЎА тр ($r = 0,36$; $p < 0,001$), ҚБГ-IVCд ($r = 0,61$; $p < 0,001$), ҚБГ-VPд ($r = 0,51$; $p < 0,001$).

Ушбу илмий ишда операциядан олдинги даврда гемостаз тизимининг кўрсаткичлари ўрганилиб, гуруҳлараро фарқлар кўрсатилган.

5-жадвал

Операциядан олдин беморларда гемостаз тизимининг кўрсаткичлари

| Кўрсаткичлар | ЕД | Асосий гуруҳ | Таққослаш гуруҳи |
|---------------------------------------|--------------------|--------------|------------------|
| Тромбоцитлар | 10 ⁹ /л | 331,4±11,3** | 275,5±13,8 |
| Қон ивиш вақти | Мин | 2,06±0,8** | 2,70±1,3 |
| Протромбин индекси | % | 107,0±3,4 | 100,2±2,5 |
| Фибриноген | мг/мл | 415,1±11,4** | 345,9±13,0 |
| АЧТВ- Фаол қисман тромбопластин вақти | Сек. | 12,5±5,1* | 17,2±4,7 |

Изоҳ: * p<0,05, ** p<0,02, *** p<0,0001 гуруҳлараро кўрсаткичларга нисбатан

Ўрганилаётган параметрлар гуруҳлари ўртасида фоиз сифатида асосий гуруҳдаги тромбоцитлар сони таққослаш гуруҳига қараганда 20,3% га юқори ($p < 0,02$). Асосий гуруҳдаги қон ивиш даври таққослаш гуруҳидан 31% га паст ($p < 0,02$) бўлгани аниқланди. Асосий гуруҳдаги протромбин индекси таққослаш гуруҳига қараганда 6,7% га юқори. Беморларнинг қонида фибриноген миқдорини ўрганиш унинг асосий гуруҳда солиштирма гуруҳига қараганда 20% га ошишини аниқлади ($p < 0,02$).

Фаолиятимиз давомида қондаги кардиоспесифик ферментларнинг таркибий кўрсаткичлари ривожланган ўткир миокард шикастланишининг энг ишончли мезонлари сифатида ўрганилди.


Жарроҳликдан олдин юрак-қон томир патологияси бўлган жарроҳлик беморларида кардиоспецифик ферментлар таркибининг кўрсаткичлари

| № | Кўрсаткичлар | Асосий гуруҳ | Таққослаш гуруҳи |
|----|-----------------------|--------------|------------------|
| 1. | МВ-КФК фракцияси Ед/л | 97,50±7,2*** | 52,1±3,5 |
| 2. | Тропонин-Т нг/мл | 1,40±0,7*** | 0,58±0,09 |

Изоҳ: *** $p < 0,0001$ гуруҳлараро кўрсаткичларга нисбатан


Беморларнинг асосий гуруҳидаги МВ-КФК фракциясининг қондаги таркиби ўртача $97,50 \pm 7,2$ Ед/л ни ташкил этди, таққослаш гуруҳида бу кўрсаткич $52,1 \pm 3,5$ Ед/л ни ташкил этди. Тропонин-Т асосий гуруҳда $1,40 \pm 0,7$ нг / мл, таққослаш гуруҳида $0,58 \pm 0,09$ нг / мл ни ташкил этди.

КФК нинг МВ фракцияси индексидаги гуруҳлараро фарқ таққослаш гуруҳига қараганда асосий гуруҳда 53,4% га ($p < 0,0001$) юқори эди. Шунингдек, Тропонин-Т таққослаш гуруҳига қараганда асосий гуруҳда 41,4% га ($p < 0,0001$) сезиларли даражада ошди.



7-расм. Кардиоспецифик фермент кўрсаткичлар ва ўтқир коронар синдромлар ўртасидаги корреляцион таҳлил (МВ-КФК қондаги хажми ва ЭКГ-даги ўтқир ўзгаришлар орасидаги корреляция)

Қонда МВ-КФК кардиоспецифик ферментларининг таркиби ва ЭКГдаги ўтқир ўзгаришлар каби омил мавжудлиги ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилганда, биз МВ-КФК даражаси ва ЭКГ белгилари ўртасида тўғридан-тўғри юқори ишончли боғлиқликни аниқладик. ST депрессияси ва ST элевацияси билан ($r = 0,24$, $p < 0,01$; $r = 0,31$; $p < 0,001$).



8-расм. MB-СПК даражаси ва ST сегменти динамикаси ўртасидаги корреляция

Қондаги кардиоспецифик тропонин-Т ферментларининг таркиби ва ЭКГдаги ўткир ўзгаришлар белгилари каби омил билан корреляция мавжудлигини таҳлил қилганда, биз тропонин-Т даражаси ва АССдаги ЭКГ белгилари ўртасида тўғридан-тўғри ишончли боғлиқликни аниқладик. ST кўтарилишисиз ва ST баландлиги бўлган АСС ($r = 0,19, p < 0,05$; $r = 0,21, p < 0,05$).

Липид спектрини ўрганиш қуйидаги гуруҳлараро даражаларни аниқлади.

7-жадвал

Хирургик аралашуви олдидан липид спектрининг кўрсаткичлари

| № | Кўрсаткичлар | ЕД | Асосий гуруҳ | Таққослаш гуруҳи |
|----|--------------|---------|--------------|------------------|
| 1. | УХ | Ммоль/л | 5,5±0,4 | 5,0±0,6 |
| 2. | ЮЗЛП | Ммоль/л | 1,0±0,7 | 1,2±0,5 |
| 3. | ПЗЛП | Ммоль/л | 3,8±0,9 | 3,5±0,4 |
| 4. | ЖПЗЛП | Ммоль/л | 3,3±0,5 | 3,1±0,3 |
